

КОСМОПОЛИТИЗМ -МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ ОҒУСИ

Анвар Кодиров-АЛФРАГАНУС

университети Профессори

XX асрнинг буюк сиёсий ва давлат арбоби сэр Уинстон Черчилл узининг машхур,кейинчалик эса давлат арбоблари ва сиёсатшунослар даврасида ақидага айланган 1946 йили Фултонда сузлаган нуткида “Буюк Британиянинг муқим дусту хам ва хам муқим душмани хам йук,балки унинг манфаатлари мавжуд” деган эди.Ушбу сиёсий ақида ва шиор кейинчалик 2-жаҳон урушидан кейинги жаҳон икки кутбли(АКШ ва ССР)сиёсий тартибини қарор топтирди.НАТО ва Варшава Шартномаси Ташкилоти шу тарзда пайдо булди. XX асрнинг иккинчи ярми ушбу икки харбий -сиёсий ташкилотлар уртасида гоҳ очик ва хуфёна кураш-“совук уруш” шаклида утди.

Иккала ташкилот хам жаҳонда космополитик,яъни бутун Ер шари буйлаб гегемонлик қилиш учун курашди.XX аср иккинчи ярми жаҳон тухтовсиз харбий-сиёсий рақобат мухити билан характерланади. Космополитизм,яъни жаҳон узра гегемонлик қилиш учун турли усуллардан,воситалардан фойдаланилди.Бундай усуллардан бири гоъвий-мафкуравий усул эди.”Совук уруш” терминининг маъноси хам қурол-яроқ воситасида эмас,маънавий-гоъвий воситалар асосидаги уруш деган иаянони беради.

Космополитизмнинг муқим хусусияти гегемон давлат ёки миллатнинг кадриятларини глобал микёсда ёйиш,миллийликка бархам бериш, умумий маънавий кадриятлар асосида турмуш кечиритишни англатади.Шу маънода космополитизм коммунизм гоъсига мазмунан мос келади.Космополитизм миллий мустақиллигимизга,миллий маънавиятимизга таҳдидлардан биридир.

Космополитизм ортида айрим буюк давлатларнинг миллий манфаатлари яширилган булиб,миллий давлат суверенитетига хам хавф солади.Ушбу мақолада космополитизм ходисасининг мазмун-моҳияти ва ёшлар маънавиятига салбий таъсирлари хусусида гап боради.

Лугавий, маълум даражада, талкиний адабиётларда изохланишича “космополитизм” юнонча “kosmopolis”-дунё фукаролигига даъво килиш, шунингдек, миллий ва давлат суверенитетини рад этиш, турли миллий анъана, маданият ҳамда ватанарварлик туйғусидан воз кечиш гоёсини илгари сурадиган карашдир (1.142). Бизнингча эса космолитизм сузининг узагини “космос” ва “политик” деган сузлар ифода этиб, улар бирикма сифатида бутун борлик, коинот, воқеъликка оид сиёсат деган маънони беради. Космополитизм глобаллашув ходисасининг синонимидир. Глобаллашув каби космополитизм ҳам у ёки бу маҳаллий кадриятни (“ютук ёки нуксонни) жаҳон узра кенг ёйилиши, агар у хулқ-атвор, удум булса бутун Ер шари, кишилар томонидан умумътироф этиладиган “трэнд” ёки “брэнд” даражасига кутариладиган буюм, предмет, ходиса ёки хулқ-атвор куринашидир.

Космополитизм ходисасининг тарихи жуда узок - у Кадимги Грецияга бориб такалади. Кадимги греклар ёки юнонлар юнон маданиятини барча халқлар учун намуна, эталон деб ҳисоблаганлар, Эллададан ташқари яшовчи барча халқларни “ёввойилар” деб ҳисоблашган. Бундай ақида кейинчалик сиёсат даражасига етади. Космополитизм урта асрлардан кейин капиталистик муносабатлар ривожланиши билан янада кучайди. Айниқса Гарб Уйғониш даврлари билан боғлиқ бюк географик кашфиётлар, Гарбий Европанинг Англия, Голландия, Италия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг янги ерларни узлаштириши, Африка ва Америка китъаларида қатор мустамлака колонияларнинг қарор топиши ушбу ҳудудларда Гарб маънавий кадриятларини, хусусан, христиан дини ва унинг кадриятларини кириб келишини юзага келтирди (3.19).

Колониал сиёсат, мустамлака ҳуҳудлардан ресурсларнинг дарёдек оқиб келиши Шарқ мамлакатларидан анча қолоқ Гарб мамлакатларида илм, фан ва техникани мислсиз тез тараккий этишига, натижада Гарб мамлакатларини Шарқ мамлакатларидан ижимоий жихатдан илгарилаб кетишига, жаҳонда тараккийёт

буйича гегемон мавкеъини шаклланишига сабаб булди. Бунинг бошка сабаблари хам бор, албатта.

У ёки бу мамлакатни ижтимоий юксалиши факат моддий омилларга боғлиқ эмаслиги маълум (5.32). Ижтимоий юксалиш ва тараккиёт учун маънавий омилнинг ҳам роли катта. Гарб цивилизациясининг ХУ1-ХУ11 асрларда юз берган юксалиши куп жихатдан динни давлатдан ажратилиши, хамиятни секуляризм сиёсатига утитиши билан боғлиқ. Бундай хулоса Европада тез ривожланиб кетган, умуминсоний маънавий кадрият-демократия принципини жамият ҳаётига жорий қилишга муваффақ булган АКШ тажрибаси намуналидир. АКШнинг бундай тез ривожланаётганлигини сабабини билиш учун француз публицисти ва социологи Алексис де Токвил XIX асрнинг 30-йилларига боради ва АКШдаги демократик жараёнларни урганади ва натижада 1832 йили “Америкада демократия” номли машхур асарини ёзади. Асарда Токвил АКШ ижтимоий юксалишининг сабаби жамият маънавиятининг демократиялашувида, деган хулосага келади.

Токвилдан сунг демократиялашув омилини ролини янада аниқроқ билиш учун АКШга таникли немис социологи Макс Вебер ташриф буюради ва “Протестант этикаси ва капитализм “рухи” номли асарини яратади. Макс Вебер ҳам АКШ да ижтимоий-иктисодий юксалиш ва тез ривожланишнинг сабаби протестант меҳнат этикасида деган хулосага келади.

XIX аср охири ва XX асрдан бошлаб АКШ жаҳлн етакчи давлатига айланди, агар аввал изоляционистик, яъни бошка худудлар ички ишларига аралашмаслик сиёсатини юргизган булса, кейинчалик харбий ва молиявий кудрати юксалиши билан жаҳонда гегемонистик сиёсатга кодир эканлигини, тинчлик ва барқарор тараккиёт кафолати булиши мумкинлигини фахмлади. Бугун жаҳон молиявий-иктисодий, сиёсий ва харбий оби-хавосини белгиловчи кудратли давлатга айланди.

Космополитизм асосан АКШ гегемонистик сиёсат таянчи ва манбаидир. Вестернизация ва американизация сиёсати хизмат қилувчи турли

грантлар, стипендиялар, фондлар халқаро нодавлат ташкилотлари томонидан молиялаштирилади. Айниқса ривожланмаган, иқтисодий ночор мамлакатларига турли хайрия акцияларини уюштириб АКШ га хайрихоҳ фуқароларни етишиб чиқишига, уларда ватанпарварлик туйғусини заифлаштишига олиб келадилар. Бугун Интернет, медиамакон тобора кенгайиб бораётган шароитларда ёшлар онги-шуурига Гарб ахлокий кадриятларини сингдириш, узи тугилиб усган юрт, шаҳар-кишлоғига эмас, Гарб ахлокий кадриятларига меҳр-муҳаббат туйғусини “Катта сиёсий уйин” уйинчилари турли гоявий-психологик усуллар билан сингдиришга уринадилар. Асосий мақсад – “бешинчи колония”, яъни АКШ кадриятларига хайрихоҳлар нуфузини жаҳон миқёсида оширишдир. Бундай стратегик мақсадларнинг асосий нишони-мамлакат келажаги ҳисоблашмиш ёшлар катламидир.

Жаҳонда “совуқ уруш”, икки кутбли сиёсий тартибот барҳам топди. Бирок гоявий, мафкуравий кураш ҳамон давом этмоқда. Бундай курашлар йирик давлатларнинг иқтисодий манфаатлари билан боглик-ёш, мустақиллик йулига эндигина кирган, бирок хали узини иқтисодий жихатдан унглаб олаолмаган мамлакатларга бегараз ёрдам, “демократиялашувга ёрдамлашиш” никоби остида уларнинг ички ишларига аралашмиш, суверенитетини емириш, қулоғига ча карзга ботириб узига карамлигини оширишдек махфий мақсадлар билан боглик. Улар айниқса иқтидорли, билимли, истеъдодли ёшларни нишонга оладилар.

Хуш, космополитизм хуружини заифлаштириш учун нималар қилиш зарур, деган уринли савол тугилади.

1. Гарб космополитик сиёсати қучли давлатни иқтисодий қудратини янада ошишига олиб келади-давлат таълимига қуп маблаг сарфламайди, зеро иқтисодий қолоқ, ривожланаётган мамлакатлар ривожланиш учун давлат бюджетидан таълим соҳасини ривожлантириш учун қупрок маблаг сарфлашади, натижада истеъдодли мутахассислар етиштирилади. Бирок етарли иш жойларининг етишмаслиги, саноат тармоқларининг ривожланмаганлиги, айниқса

мамлакатда маънавий огу-коррупциянинг юкорилиги интеллектуал салохиятни хориж мамлакатларига миграция окимини кучайтиради.

2. Мукаддам иктисодиётда давлат монополияси хукмрон булган давлатларда жамият ижтимоий табакаланиши, маргиналлашув усади, ортикча меҳнат ресурслари юзага келади, бозор муноабатларига утиш жамият маънавий омили билан тукнашади, ижтимоий норозиликлар кучаяди. Сиёсий ислохотларга эҳтиёж ортади..

3. Ушбу муаммоларни самарали хал этиш маънавий сиёсат самарадорлиги билан боғлиқ. Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Маънавият иктисодиётдан камида ун кадам олдин юриши керак” деган фикрида жон бор-агар фукаро, жамият янгича хаётга, бозор муносабатларига маънан етилмаган булса, эски дунёкараш кобигида колган булса, маънавиятини замон талабларига мос узгартирмаса, демократия хам, хукукий давлат хам, буюк келажак хам барпо булмайд

4. Маънавият-мамлакатни юксалтиради, уни бакувват килади. Бу аксиоматик талабдир. Бежиз 2025 йилдан мамлакат бошкаруви тепасига келган АКШ 47-Президенти Дональд Трамп бежиз мамлакатини яна юксак ва бакувват килиш учун космополитизм оғуси-трансгенлик, бесоколбозлик, бир жинсли никох ва бошка жирканч ходисалардан демократия никоби остида оммалаштиришга карши курашдан бошламади.

5. Космополитизм- миллий маънавиятга салбий таъсир килади, инсонни анъанавий кадриятларидан, Ватанидан мосуво булишга олиб келувчи огу каби зарарли ходисадир. Космополитизм узига хлс мафкурага хам эга. Гарб “оммавий маданияти” унинг мафкукрвий куролидир. “Оммавий маданият” асосан ёшлар маънавиятига йуналтирилган булади. Бу бежтз эмас, албатта. Етарли билимлар ва хаётий тажрибага эга булмаган ёшларни “оммавий маданият” таъсирига тушиб колиши осон.

6. Космополитизм гоёвий таъсирини заифлаштириш таълим ва тарбия сохасида янгича сиёсий ва педагогик технологияларни яратиш, бугунги ёшлар

кизиқишларини ҳисобга олиш, анъанавий тарбия усулларидан воз кечишга қаратилган изчил тарбия сиёсатини ишлаб чиқишни талаб қилади.

АДАБИЁТЛАР.

1. Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. - Т.: Ўзбекистон, 2022. - 656 б.
2. Ташанов А. Вайронкор гоҳлар ва бузгунчи мафқуралар. - Турон. Замин. Зиё. 2015. - 400 б.
3. Санжар САИДОВ. Марказий Осиё: фуқаролик жамияти ва минтақавий интеграция жараёнлари. - Т.: Илм. Зиё. Закавот. 2021. 216 б.
4. Умиджон Кушаев. Геостратегик манфаатлар ва гоҳвий жараёнлар. - Т.: Фан ва технологиялар. 2013. - 140 б.
5. Муҳаммад Куронов. Огоҳлик: тарих ва замон сабоқлари. - Т.: Маънавият. 2015. 112 б.
5. Бьюкенен П. Гарбнинг улими. - Т.: Илм. Зиё. Закавот. 2021. 208 б.
6. Улугбек Саидов. Шарқ ва Гарб: маданиятлар туташган манзиллар. - Т.: "Янги аср авлоди", 2008.
7. Генри Киссинжер. Мировой порядок. - М.: Изд-во АСТ. 2022. - 656 с.